

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТимоий - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 28 (10.333)

2005 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида экология ва гигиеник санитария маданиятининг ривожига ҳисса қўшиш, экология соҳасига ихтисослашган журналистларни рағбатлантириш мақсадида "ЭКО-САН" жамғармаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюмлари ҳамда Ўзбекистон телерадиоконпанияси ҳамкорликларида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида танлов эълон қилди.

● **МАДАНИЯТ** ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналарни илмий-бадний адабиётлар билан таъминлаш мақсадида пойтахт наشريётларида мустақиллик йилларида чоп этилган китоблар ушбу зиё масканларига тўхфа этилди.

● **ЎТГАН** куни Яққасарой туманидаги ўқув муассасаларининг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиларини олий ўқув юртлири фаолияти билан қўндан таништириш мақсадида Тошкент ислом университетига сафар уюштиришди.

● **БУГУН** Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган кўрик-танлов "Сиз қонунни биласизми?" деб номланди.


● **АҚМАЛ** Икромов туман ҳокимлигида фаоллар иштирокида оила, никоҳ ва мерос масалаларига бағишлаб ўтказилган анжумани туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

Бозорни ўрганиш асосида рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш бугуннинг талаби эканини "Ўзэлектр-аппарат" акциядорлик жамияти тadbиркорлари тўғри англашмоқда.

**СУРАТДА:** цех бошлиғи **Ҳабибулла Файзиев**, бош муҳандис **Филип Пилиленко** ва директор **Ўринбосари Вали Муродовлар** бажарилган ишни ҳамisha назорат қилишди.

**Ҳакимжон Солиқов** олган сурат.



### Ўзбек кураши

## БУЮК БРИТАНИЯДА НУФУЗЛИ МУСОБАҚА

Кейинги пайтларда ўзбек курашининг жаҳоннинг барча қитъаларидаги мамлакатларга шиддат билан кириб бораётганлигининг шохиди бўлмоқдамиз. Миллий спорт туризмизнинг жаҳон майдонларидаги тантанаси ўлароқ ҳозирда жаҳон, Европа ва Осиё чемпионатлари, йирик халқаро мусобақалар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

**Хусусан, Буюк Британияда бешинчи бор ўзбек кураши бўйича Ислон Каримов аънавий халқаро турнирининг катта муваффақият билан бўлиб ўтганини қувонч билан таъкидлаш жоиз.**

Аънавий турнирда жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатидан юздан зиёд полвонлар иштирок этиб, галаба учун кураш олиб борди. Беллашувлар эса ўсмирлар, ёшлар, катталар, хотин-қизлар ҳамда фахрийлар ўртасида ташкил этилди.

Шуни айтиш керакки, ўсмирлар баҳсида мезонларга тенг келаётганлар топилмади. Буюк Британиялик ёш ўзбек кураши усталари бу йўналишда рақибларига ҳеч қандай имкониятлар қолдирмасдан ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғоналаридан жой олишди.

Ёшлар иштирокидаги мусобақаларда юртимиз курашчилари ўзларини кўрсатишди.

Жумладан Олим Равшанов, Хуршид Саматов, Юсуф Тўлаганов, Исқандар Ҳайдаров, Жасур Нормуродовлар финал баҳсларини галаба билан яқунлаб, турнир олтин медалларининг соҳиблари бўлишди.

Катталар мусобақасида уч нафар Буюк Британиялик курашчи, шунингдек ҳамюртларимиз Темуэр Эшқурбонов, Зариф Бозоров, Шокир Тўраевлар ғолиб чиқди. Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақада ҳам ўзбекистонлик спортчи Дилшода Ҳазратова зафар кучди.

Фахрийлар турнирида ҳам ўсмирлар мусобақасидаги каби Буюк Британиялик кураш усталари муваф-

фақиятли қатнашиб, ғолиблар сафини бошқаришди.

Яна 7 курашчимиз — Алишер Буранов, Фаррух Жиянов, Темуэр Эшқурбонов, Ҳамид Амриллаев, Алишер Эргашев, Олим Равшанов ва Умид Бозоровлар кумуш медалларга эга бўлишди. Бир спортчимиз учинчи ўринни эгаллади.

Шундай қилиб халқаро турнирда мамлакатимиз курашчилари 9 та олтин, етти та кумуш ва битта бронза, жами 17 та медалларни қўлга киритишди.

Турнир юқори савияда ташкил этилганлиги билан катнашчилар қалбига чуқур таассурот қолдирди. (Ўз мухбиримиз)

## МАҲАЛЛА: ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ҳамда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг пленуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 2004 йилдаги фаолияти яқунларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Гадойбоев 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг изчил бажарилишида жамғарма ҳам ўзининг муносиб улушини қўшганини таъкидлади. Зеро, меҳроқибат, саховат, мурувват каби миллий қадриятларимиз азалдан айнан маҳаллада шаклланиб келган. Эзгу ишлар, тadbир ва ташаббусларни изчил амалга оширишда, одамларни савобли юмушларга сафарбар этишда маҳалла ўзининг салмоқли ҳисса-

сини қўшаётир.

Жумладан, Наврўз ҳамда Мустақиллик байрамлари арафасида ободонлаштириш ойликлари ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарлари ўтказилди. Жамғарма ҳисоб рақамига тушган маблағлар маҳаллаларни ободонлаштириш, инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш, спортни оммалаштириш каби эзгу мақсадларга сарфланди.

Маҳаллаларда осовишталаникни таъ-

минлаш, жамоат тартибини сақлаш, огоҳликка даъват этиш борасида оқсоқоллар, маҳалла посбонлари, ички ишлар хизматчилари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хусусий тadbиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловлар илғор тажрибани оммалаштиришда айниқса самарали бўлди.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар аҳоли ўртасида кенг қўламда тушунтириш ишларини олиб бораётир.

Пленумда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида амалга ошириладиган ишларга доир вазифалар белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## XXI саҳоси

Барча малбалардан  
олинган сўйга хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифалар ижросини таъминлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

● Самарқанднинг энг сўлим гўшаларидан бири — марказий истироҳат боғига улғу мутафаккир Алишер Навоий номи берилди. Боғ ёнидаги асосий кўча ҳам Навоий номи билан аталадиган бўлди.

● Тошкентда "Ўзбекистон мактабларида рус тили" мавзусида икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ўтказилган анжуманда 100 дан ортиқ иктидорли, тажрибали рус тили фани ўқитувчилари иштирок этди.

● "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"га мувофиқ бу йил Андижонда 91 та мактабнинг жорий ва капитал таъмирланиши кўзда тутилган. Ҳозирда аксарият мактабларда бу ишлар бошлаб юборилди.

● Бойсун туманидаги Доисун-Дубоа кишлоқлари ўртасидаги Қайроқсой канали устига узунлиги 42, эни 4,5 метрлик кўприк қуриб битказилди. Шунингдек, ҳар иккала кишлоқ ўртасидаги 31 километрлик тупрок йўлга ҳам шағал ётқизилди.

● Грузия президенти Михаил Саакашвили собиқ молия вазири Зураб Ногаиделини мамлакат бош вазири этиб тайинлади. Қузатувчиларнинг таъкидлашича, янги бош вазир мамлакат президентининг энг яқин сафдошларидан бири ҳисобланади.

● Данияда ўтказилган сайловларда мамлакат бош вазири Андерс Фогт Расмуссен галаба қозонди. Амалдаги коалиция 94 та мандатни қўлга киритиб, 179 ўринли парламентда кўпчилик овозини эгаллашга муваффақ бўлди.

● Хитойда ой тақвими бўйича янги йил нишонлана бошланди. Янги йил тантаналари ушбу мамлакатда икки hafta давом этади.

● Кемерово вилоятининг Новокузнецк шаҳридаги "Есаульская" кўмир шахтасида кучли портлаш рўй бериб, ёнгин бошланди. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳодиса оқибатида 21 киши ҳаётдан қўз юмган, 8 нафар шахтёр бедарак йўқолган.

● Руминиядаги турмушхоналарнинг бирида гаройиб воқеа рўй бериб, 58 кунлик фарқ билан бу ерда эгизак чақалоқлар туғилди. Шу йилнинг январь ойида ҳам шу мамлакатда 56 ёшли аёлнинг кўзи ёриб, ер юзидagi энг кекса она бўлган эди.

## Иқтисодий

МАВСУМИЙ  
ОЁҚ  
КИЙИМЛАР

Чилонзор туманидаги «Делта инвест» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонасида янги турдаги аёллар оёқ кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона тадбиркорлари австриялик ҳамкорлар билан биргаликда бугунги кун талабидан келиб чиқиб, замонавий ва бежирим оёқ кийимларнинг 40 га яқин турларини ишлаб чиқармоқдалар. 70 нафарга яқин ходимлар фаолият юритаётган ушбу корхона маҳсулотлари ички бозоримизда ўзининг доимий харидорига эга десак хато қилмаймиз.

Айни пайтда замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонанинг кундалик иш сме-насида аёллар мавсумий оёқ кийимларининг 200 минг жуфти тайёрланиб, сотувга чиқарилмоқда.

САЛОМАТЛИК  
УЧУН  
ФЙДАЛИ

Шахримиздаги «Сорб-тех» ёпиқ турдаги акционерлик жамиятида айни пайтда инсон саломатлиги учун фойдали дори-дармонлар тайёрланмоқда.

Мутахассисларнинг изла-нишлари ва сайё-харакатлари асосида корхонада ишлаб чиқарилаётган дори препаратлари кишилар саломатлигини сақлашда, касалликнинг олдини олишда ниҳоятда аҳамиятлидир.

— Саломатлик қадрини уни йўқотганда билинади, — дейди корхона раҳбари Мирзаароҳим Алимов. — Соғлиқни асраш аввало инсоннинг ўз қўлида бўлса, унга ёрдам берувчи кейинги восита дори-дармондир. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган дорилар экологик жиҳатдан тоза, инсон организми учун фойдалидир. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган «Сорбент»лар экология муҳофазаси учун фойдали ва оқова сувлардаги зарарли бактерияларни ва оғир металл сувларни ушлаб қолиш хусусиятига эга.

Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг Туркия, Қозғоғистон, Россия давлатларида ҳам ўз харидорлари бор.

ЯНГИ ТУРДАГИ  
МЕБЕЛЬ

Бугунги кунда «Турон про-декцион» фирмасида стол-стул, офис ва идора мебелларининг янги турлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона мебелсозлари буюртма асосида барча турдаги мебель жиҳозларини тайёрлаб, харидор дидига мос маҳсулотларни сотувга чиқармоқдалар. Бозорни ўрганган ҳолда янги маҳсулот турлари устида ишлашгаётган корхона ишчилари айни пайтда 10 дан ортиқ мебель савдоси дўконлари билан тузилган шартномага кўра офис мебелларининг энг замонавий турларини тайёрлашмоқда.

— Бизга билдирилган харидор ишончи асосий ютуғимиздир, — дейди корхона раҳбари Маъмуржон Курбонов. — Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қанчалик рақобатга чидамли бўлса, бу корхонанинг келгуси фаолиятига катта туртки бўлиши тайин.

Орзугул РУСТАМОВА

## Иштирокчи толе ёр

ТАДБИРКОРГА САХОВАТ  
ЯРАШАДИ

Аёлларимиз азалдан тадбиркор бўлишган. Айниқса, оила фаровонлигида, хонадон ободлигида уларнинг мана шу фазилатлари ёрқин намоён бўлган. Юртимиз мустақилликка эришиб, хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўринлари янада мустақамланган, тадбиркорликка очилган кенг йўл боис тадбиркор аёлларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг иқтисодийтимиз ривожига қўшаётган ҳиссалари ҳам тобора ортмоқда.

Тадбиркорликка ўзининг гоёси, дадил қадами билан кириб келган Азиза Фулмова ҳам ана шундайлар сирасидандир. Чеварликка илҳоси баян Азиза ўқиди, изланди, моддалар ательесидида меҳнат қилар экан, ҳамшиша янгилик яратишга интилдиди. Лекин унинг эзгу нияти замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган кичик корхонага эга бўлиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, давр билан ҳамнафас бўлиб ҳам миқозларни мамнун этиш, ҳам харидор ҳақида мос сифатли либослар тайёрлаш эди.

Бехизга «Интилганга толе ёр» дейишмайди. Не бахтки, мустақиллик унинг мақсадларига қанот бўлди. Олдий чеварликдан моддалар ательеси раҳбари даражасига кўтарилган Азиза Фулмова аввало дастгоҳларни, сўнгра эса корхонани хусусийлаштиришга эришди ҳамда «Азиза Сайфи қизи» хусусий корхонаси ташкил этилди.

Авалло, чеварликни, яъни момолари-миздан мерос хунарни аёлларимиз қойиллатиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам имкониятлар ишга солинди, режалар аниқланди, 70 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Уларнинг орасида уста бичиқчи-модельерлардан тортиб, тикув дастгоҳига эндигина ўтирган, чевар бўлиш истагида юрган қизлар ҳам бор эди. Устозлар улардан меҳрини, маҳоратини дариг тутишмади. Шогирдлар ҳам тез орада яхшигина чевар бўлишди ва миқозларни тиккан либослари билан мамнун этишди.

Энг муҳими эса Азиза Фулмова ҳамшиша улар билан бирга, уни гоҳо бичиқчи модельерлар даврасида янги либосларни муҳокама қилинган, гоҳида чеварлар ёнида маҳсулот сифатини кўздан кечиряётган ёки ҳисобчи билан солиқларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилаётган ҳолда учратасиз. У ўз фикрлари,

кўрсатмалари, керак бўлганда ёрдами билан ходимларини қўллаб-қувватлайди.

Албатта, ходимларнинг самарали меҳнат қилиши, миқозларни мамнун этиши учун шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этади. Ана шунинг ҳисобига олган тадбиркор аёл ўтган йилда корхонани замонавий усулда таъмирлатишга эътибор қаратди. Миқозлар учун кутиш, ўлчаб кўриш хоналари ташкил этилди. Эндиликда эса янги замонавий тикув дастгоҳлари билан цехларни жиҳозлашга сайё-харакат қилинмоқда. Хусусий корхона қошида чинни маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон иш бошлади, қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Келгусида эса ушбу дўконда хусусий корхонада тайёрланган замонавий либослар ҳам харидорларга тортиқ этилиши кўзда тутилган.

Азиза фаолликни ёқтиради, изланишдан чарчамайди. Ўз либосларининг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлишини ният қилади. Шубҳасиз, «Яхши ният — ярим давлат» деганларидек улар меҳнат билан ушалади, рўёбга чиқади. Ўтган йилларда Францияда 20 дан зиёд мамлакат вакиллари қатнашган халқаро кўргазмада «Азиза Сайфи қизи» хусусий корхонасининг миллий қадриятларимиз эъзозланган — адрасу беқасам матолардан тикилган либослари барчани мамнун этди ва харидорлар уларни бажонидил сотиб олишди.

Азиза ўзининг ҳуқуқий, иқтисодий билимларини ошириш баробарида хорижий тадбиркор аёллар тажрибасини ўрганишга, керагида улардан ижодий фойдаланишга интилади. У Швейцариянинг Женева шаҳрида 49 давлат вакиллари иштирокида ўтказилган, тадбиркор аёллар муаммоларига бағишланган анжуманда ҳам иштирок этди, ўз фикрлари билан ўртоқлашди, ҳамкорлар орттирди. Ҳозир-




да у Шайхонтоҳур тумани «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси сифатида ҳамкасбларига ёрдам бериб келмоқда.

«Тадбиркорга саховат ярашади», деган нақлга амал қилган Азиза Фулмова ҳар йили бир нечта кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларга бепул хунар ўрганишларида ёрдам кўрсатиб келмоқда. Албатта, бундай саховат келгусида корхонага рағбат бўлиб қайтишига имони қомил.

Янги йилда Азиза бошқараётган чеварлар — либос усталари янги буюртмалар, сифатли маҳсулотлар устида ишлашмоқда. Даржақат, либос нафақат энгингизга кўрк, балки қалбингиз кўзгуси, кайфиятингиз кўринишидир. Бу борада эса корхона илчи-хизматчиларининг ҳиссалари беқиёс. Азиза Фулмова эса ана шу тинимсиз ва сермашқат меҳнати келтиряётган омадни ҳис этиб фаолият юритади.

**Дилноза СОДИҚОВА**  
СУРАТЛАРДА: чевар Нигора Мирзаевадан миқозлар мамнун; тикувчи Гулнора Толибжонова ва цех бошлиги Дилдора Хўжаева (ўнгда) навбатдаги буюртмалар сифатини кўздан кечирмоқда; корхона қошида очилган савдо шохобчасида.

Ҳақимжин Солиҳов олган суратлар.

БИЗНЕС—ИНКУБАТОРЛАР  
ЮТУҒИ

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун зарур шароит яратишни, уларга амалий ёрдам беришни кўзда тутади.

Бу вазибаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда БМТ Таррақли дастурининг «Ўзбекистон Республикасида бизнес-инкубаторлар тармоғини яратиш ва ривожлантириш» қўшма лойиҳасининг учинчи босқичи доирасида мамлакатимизда 36 бизнес-инкубатордан иборат тармоқ яратилди.

Ўзбекистон бизнес-инкубаторлари ва технопарклари уюшмасига (БИТУ) бирлашган бу тармоқнинг фаолияти ҳақида кенгаш раиси Валижон ОМОНЛИҚОВ ўз муҳаббатига қўйидагиларни сўзлаб берди:

— Бизнес-инкубаторлар вази-фасига тадбиркорларга консал-

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, 2005 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш бора-сидида ишлар қўламини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборатдир.

инжиниринг, аудиторлик, ахборот хизмати кўрсатиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, кадрлар тайёрлаш масалалари киради. Ҳозирги вақтда бизнес-инкубаторларимизда 552 кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда, улар беш миңдан зиёд иш ўринини ташкил этди. Умуман, ўтган йили бизнес-инкубаторлар ва уларнинг субъектлари томонидан қўйилган 5 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизмат кўрсатилди.

Бизнес-инкубаторлар томонидан бозор иқтисоди асослари, компьютер савдонлиги, чет тиллар,

бухгалтерия ҳисоби, фермер хўжалигини юритиш асослари каби йўналишлар бўйича ташкил этилган курсларда бутун фаолият давомида 47500 киши ўқитилди.

Бизнес-инкубаторлар қўмағида ўтган йили турли молия институтилари кредит маблағлари ва халқаро донор ташкилотларнинг грантларини жалб этган ҳолда 132 инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Масалан, бизнес-инкубаторлар иштирокида амалга оширилган ва Осиё тараққиёт банки томонидан молияланган «Қорақалпоғистонда турмуш даражасини ошириш» лойиҳаси доира-

сида ўтган йили 190 киши тадбиркорлик сирларидан сабоқ олди.

Тадбиркорларни ахборот билан таъминлаш тизимини мукамаллаштириш мақсадида мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқарилаётган технологиялар ва ускуналар бўйича компьютер маълумотлари базасини шакллантириш ишлари ниҳоясига етказилди.

Вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналар ёрдамида реклама-ахборот каталогининг 8-сони нашр этилди. Унда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 400 га яқин асбоб-ускуна ҳақида маълумотлар бор.

Республика бизнес-инкубаторлари тармоғи фаолияти халқаро миқёсда муваффақиятли ва самарали деб тан олинмоқда. 2004 йилнинг декабрь ойида Барселонада (Испания) Америка бошиқару уюшмалари жамияти томонидан ўтказилган халқаро танловда Ўзбекистон уюшмаси фаолияти «Иқтисодий ютуқлар» номинацияси бўйича энг яхши деб топилди.

Жамшид РАУПОВ,  
Ўза муҳбири

## Маълум

МАЗМУНЛИ  
САФАР

Тошкент Молия институти бир гуруҳ профессор-ўқитувчиларининг Малайзия мамлакатига қилган сафари мазмунли бўлди. Малайзия таълимиде юз бераётган янгилликлар уларда кизиқиш уйғотди.

— Мазкур мамлакатдаги таълим жараёнида ёшларнинг руҳан ва жисмонан ривожланишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда, — дейди Тошкент Молия институтининг доценти Ақром Хошимов. — Ҳақ жараёнлари компьютерлашган бўлиб, барча маълумотлар «ақлли» машиналар орқали олинди. Буни биз Мара технология университети мисолида яққол кўрдик.

Малайзиялик ҳамкасблар Ўзбекистондаги таълим тизими билан ҳам қизиқдилар. Улар бу саволларга Тошкент Молия институтида амалга оширилаётган янгилликлар баёни орқали тўлиқ жавоб олдилар.

КАФЕДРА  
ОЛИМЛАРИ —  
ИЗЛАНИШДА

Тошкент Давлат авиация институтининг «Хаводаги ҳаракатни бошқариш» кафедраси фаолияти кенг йўлга қўйилмоқда. Фуқаро авиацияси факультети таркибида иш юритаётган бу кафедрани катар мутахассислардан бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда.

«Хаводаги ҳаракатни бошқаришнинг назарий асослари», «Авиацион метеорология», «Хаво навигацияси» сингари фан йўналишларида олиб борилаётган ўқув машғулотларига ҳам кизиқиш катта.

Буни инобатта олиб тажрибали профессор-ўқитувчилар изланишлари асосида ўқув дастури яратилди, ҳамда ижобий баҳоланди. «Хаводаги ҳаракатни бошқариш» мутахассислиги бўйича тузилган дастур эса «Узаэронавигация» қорхонасида муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Энг яхши маърузалар матнларидан бир нечтаси факультет кутубхонасига талабалар фойдаланиши учун топширилди. «Авиацион метеорология» фанидан қилинган маърузаларнинг намуналий матнлари эса тўплам ҳолида чоп этиш учун босмага тайёрланди.

ДАРСЛИКЛАР-  
НИНГ ЯНГИ  
АВЛОДИ

Дарсликларнинг янги авлодини яратиш ишлари қизгин давом этмоқда. Урта махсус касб-хунар таълими республика марказининг бу борадаги саяёҳ-ҳаракати ҳам самарали бўлмоқда.

Марказнинг нашриёт бўлими томонидан уюштирилган янгидан чоп қилинган ўқув адабиётлари тақдимотлари ҳам бу жараён кутилган натижаларни бераётганини кўрсатиб турибди.

Дарслик ва ўқув қўлланмалари устида изланишлар олиб боришни янада яхшилаш мақсадида таълим олимлари ўқув юртлири белгиланди. Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва бошқалар таянч олим ўқув юртлири янглиг фаолият кўрсатмоқдалар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, марказ йўли билан кўплаб электрон ўқув адабиётлари юзага келди. Анимацияли версиялари билан тайёрланган бу нашрлар билан республикадаги ўқув юртлири тўла таъминланди.

Ақбар АЛИЕВ

## 2005 — Сихат-саломатлик йили

ШАРҚ ТАБОБАТИ —  
НОЁБ ХАЗИНАМИЗ

Янги йилимиз хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда Президентимиз ташаббуслари билан Сихат-саломатлик йили дея номланиб ҳаётимизга сингиб, ҳар биримизни эзгуликлар сари чорламоқда.

Жумладан, яқинда қабул қилинган «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ва унда белгиланган устувор вазифалар асосан халқ саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилгандир. Мазкур дастурга мувофиқ жойларда маънавий-маърифий тадбирлар бошлаб юборилди. Жумладан, «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ҳамда шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг «Қалб этиқоди» давраси ҳамкорликда маҳаллалар, олий ўқув юртлири ҳамда коллеж ва лицейларда саломатлигимизга оид мавзуларда давра сўхбатлари, қизиқарли учрашувлар ўтказмоқда. Сихат-саломатлик йилига бағишланган ана шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек туманидаги Хумоюн маҳалласида бўлиб ўтди. «Шарқ табобати — миллий хазинамиз» мавзусида ўтган тадбирда маҳалла оқсоқоли Зикрилла Эрматов, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари Халима Жуманиёва сўзга чиқиб миллий аъёнларимиз, кадрларимизни ёшлар онгига синдириш, шунингдек, оилада соғлом авлоднинг камол топтириш, ёшларга ичкиликбозлик, гивандлик иллатлари, унинг зарар-

ли оқибатлари ҳақида тушунтириб бориш зарурлигини ўқитиб ўтдилар. Шунингдек тадбирда «Қалб этиқоди» давраси раиси Муборак Юнусхўжаева сўзга чиқиб Шарқ табобатининг аҳамияти, улуг доғишманд Абу Али ибн Сино асарларининг моҳирлиги ҳақида гапириб берди.

Тадбирда Хумоюн маҳалласи хотин-қизлар коммиссияси раиси Марҳамат Зоҳидова ва маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Наргиза Юсуповалар сўзга чиқиб маҳалладаги хотин-қизларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, уларни спортга жалб қилиш, айниқса оналар ва болалар, ўсмир-қизлар саломатлигига етарли эътибор бериш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Қизиқарли сўхбатлар, қувноқ кўйиқлар остида ўтган тадбир йиғилган-



ларда катта таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: Хумоюн маҳалласида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.  
Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

Устоз Ойбек нафақат атоқли адиб, балки йирик адабиётшунос ва тадқиқотчи олим сифатида ҳам бебаҳо мерос қолдирди. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий ижодини чуқур тадқиқ этишда ҳам муносиб ҳиссаси бор. У Навоий ҳаёти ва ижодини бу қадар чуқур, мукамал билмаганида, «Навоий» романидек бебаҳо, гўзал асар ҳам дунёга келмаган бўларди.

Ойбек таваллудининг  
100 йиллиги олдидан

## БЕБАҲО МЕРОС

Ойбек ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб улуг мутафаккир ижодини теран ўрганишга киришган. Ана шу изланишлари самараси ўлароқ «Алишер Навоий» номли салмоқли илмий асар дунёга келди. Бироқ шоир гоёлар ва тимсоллари таҳлилига бағишланган бу асар анча вақтгача нашр этилмади. 1961 йилда илк бор босмадан чиқди.

Ойбекнинг яна бир муҳим илмий асари — «Навоий гулшани» мажмуаси буюк шоирнинг таржимаи ҳоли, «Хамса»нинг асосий образлари, Навоийнинг дунёқарши масаласига доир, Навоийнинг «Маҷолис ун-нафос» тазкираси ҳақида деб номланган алоҳида тадқиқотлардан иборат.

Мазкур асарнинг шоир ҳаёт йўлига бағишланган қисмида тарихий маълумотлар бир мунча бадиий бўёқларда баён этилса-да, алломанинг болалик ва навқиронлик йиллари, она тилига муҳаббат, ижодининг ибтидоиси, арбоблик фаолияти, истеъдодларга мадади, бунёдкорлик ишлари, «Хамса»нинг яратилиши ва Навоий вафоти ҳақидаги маълумотлар сараланиб, асосий жиҳатлар атрофлича ёритилган.

«Хамса»нинг асосий образлари таҳлилига киришар экан, Ойбек ёзади: «Навоий учун адабиёт, санъат ёлғиз ҳаёт беағзи эмас. Бунда мутафаккир шоир адабиётнинг халқ учун чуқур тарбиявий аҳамиятини яхши англай эди».

Ойбек «Хамса»нинг биринчи достони — «Хайрат ул-аброр»нинг Навоий дунёқаршини, фикриётини англашда муҳим манба эканини таъкидлайди, шоир илгари сурган ҳаёт фалсафаси, эзгу гоёлар талқини ва ижтимоий иллатлар танқиди асарда қизил ип бўлиб ўтганига алоҳида эътибор қаратади. Ойбек «Хайратул-аброр»нинг яна бир жиҳатига ургу бериб ёзади: «Шоир яшаган даврнинг жонли сезиларини яққол тасаввур қиламиз».

«Хамса»даги ҳар бир тимсол (Фарҳод, Мажнун, Ширин, Лайли, Баҳром, Искандар ва ҳоказо) Навоийнинг улкан гоёларини, орзу-умидларини ўз фаолиятида рўйбга чиқаргани, уларнинг ҳар бири Ойбек тили билан айтганда, «Шоирона даҳо билан нафас олган... буюк шоирона илҳом билан сугорилган, абадий сўлмас гул каби ўқувчини ҳамма вақт мафтун этади».

1940 йилда нашр этилган «Навоийнинг дунёқарши масаласига доир» мақоласида Ойбек «Навоий нима тўғрида фикр юргизмасин, ҳамма вақт шоир бўлиб қолади» деган фикрни илгари сурган. Муаллиф фалсафанинг абадий таълими, Навоийнинг диний қарашлари, табиат, руҳ ва модда тушуначалари, сўфийликка муносабати юзасидан фикр билдирар экан, «шоир ўз фалсафий қарашларини

очик-ойдин ифодалашга имкон топган эмас. У ўз фикрларини парда остига олиб, сўфий терминларига ўрашга мажбур бўлган» - деб ёзади. Бу ўринда мақола ёзилган даврдаги сиёсатнинг таъсири сезилса-да, Навоий ижодиёти пантеистик руҳда экани, унинг лирикасида сўфиёна кайфиятнинг мавжудлиги инкор этилмагани диққатга сазовордир.

Ойбек «Навоий» романини яратгунга қадар шоирнинг ҳаётини, даври ва замондошларини, адабий-маданий жараёнларни, аллома асарлари ва руҳий олами нима батафсил ўрганган. Бунинг самараси ўлароқ адабиётимиз тарихида мумтоз, бетакрор гўзал асар — «Навоий» романи дунёга келган.

Халқ ривоятларига асосланган «Навоий ва Гули» шеърини достониде эса шоирнинг оташин муҳаббати қаламга олинган. Ниҳоятда дилбар манзума. Бунда шоирнинг улғур сиймоси, табиатидаги энг инжа чизгиларни ўқамиз. Достон «Асрларнинг сўкиб чокими...» мисраси билан бошланади. Чиндан ҳам, Ойбек Навоий ҳақидаги маълумотларни асрлар чокими сўкиб, териб олган.

Устоз Ойбек ва улуг Навоий қарашлари, руҳияти ва маънавияти уйғунлашиб кетгандек гўё.

Давлатимиз раҳбари Исро Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги ҳукумат қарори адиб ижодида муносиб эҳтиром намунасидаир. Бу қарор устоз Ойбек ижодий меросини янада теранроқ, батафсил ўрганиш ва тарғиб қилиш учун муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Суййма ГАНИЕВА,  
адабиётшунос  
ЎзА

БОШҚАРУВЧИЛАР  
САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Профессонал менежмент дастурининг навбатдаги курслари тингловчиларининг битирув маросими бўлиб ўтди.

2004 йил 5 августдан 2005 йилнинг 26 январига қадар мамлакатимиздаги кўплаб етакчи компания ва ташкилотларнинг элчилик яқин мутахассиси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Япония ҳукумати ҳамкорлигида таъминат этилган мазкур курсларда таҳсил олди. Салкам ярим йил мобайнида улар Япония бизнес бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб, билим ва малакасини бойитиш имконига эга бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Япония ўртасида бошқа соҳаларда бўлгани каби, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, қорхоналарни бошқариш бўйича биргаликда мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Кўплаб ўзбек ишбилармонлари Кунчикар мамлакат тадбиркорлари билан бу борада ўзаро тажриба алмашиб келмоқда.

Маросимда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

Ўқув муассасаларида

ЎЗБЕК «МАРАДОНА»ЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ



Кейинги йилларда давлатимиз томонидан эртаимиз издошлари бўлган ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари йўлида кўп сай-ҳаракатлар қилиниб, болалар спортини ривожлантириш бўйича аниқ режавий йомшлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармасининг тузилиши, болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантиришга қаратилган муҳим Фармон ва қарорлар бу йўлда дастуруламал бўлмоқда. Иқтидорли, истеъдодли ёшларимизнинг жаҳон майдонида Ўзбекистон номини дунёга танитиб, нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни кўлга киритаётганлари ҳам айтиш зарур.

Бугун биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлаётган муқаддас даргоҳ ҳам униб-ўсиб келаётган ёшлар орасидан «миллионлар ўйини» ҳисобланган футбол учун ҳақиқий истеъдодларни, Миржалол Қосимовдек чапдаст футболчиларни етказиб беришга ҳисса қўшишга интилиб келаётган, шахримизда ягона бўлган футболга ихтисослашган мактаб-интернатдир. Сухбатдошимиз, ушбу мактаб директори Маъмуржон Саидқосимовга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Аввало футболга ихтисослашган мактаб-интернатнинг очилиш тарихи ва ушбу кундаги фаолияти билан газетхонларни таништирсангиз.

Носир Мухамедов каби фан номсодлари, Вячеслав Алпагоҳ каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар мавжуд. Ўқувчилар 9 та ўқув ва информатика, 4 та машғулотлар олдида кийиниб-ечинадиган хоналардан фойдаланадилар. 150 ўринли ошхонамизда 4 маҳал иссиқ овқат тайёрланади, 100 ўринли ётоқхонамиз ҳам мавжуд.

— Мактабга ўқувчиларни қабул қилиш шартлари қандай? Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мактабимизга футболга қизиққан, спортни жон-дилидан севган ўқувчилардан аперель ойидан бошлаб ҳужжат қабул қила бошлаймиз. Имтиҳонлар эса 1 июлдан 1 августга қадар бўлиб ўтади. Им-

тан ўқувчиларнинг қанчалари ҳозир олий ўқув юрти талабалари, қанчалари таниқли жамоаларда тўп суришмоқда. — Уларнинг номларини фахр билан келтиришимиз мумкин, — дея сўхбатимизга қўшилди мактаб-интернатнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Аскаралли Мадалиев. — Антон Девянин ўсмирлар терма жамоа аъзоси, Алексей Соболев, Игорь Скичко, Ильдар Юлдашев, Денис Азизовлар олимпия терма жамоаси аъзолари, Бахтиёр Умаров ёшлар терма жамоаси аъзоси, Марсель Нигматзянов — минни футбол терма жамоаси аъзоси. Уларнинг яна кўпларини келтиришимиз мумкин. Сихат-саломатлик йилини ҳам муваффақиятли бошладик.

Яқинда минни футбол бўйича Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун республика футбол мактаб-интернатлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда 1987-1988 йилда туғилган ўқувчилар гуруҳи 2-ўринни эгаллашди. Эсдалик совғалари ва фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

— Келгуси режалар тўғрисида ҳам танишмоқчи эдик.

— Дастуриимиздан келиб чиққан ҳолда иш режаларини белгилаб олганмиз. Уларнинг ижроси йўлида тинимсиз изланишлар олиб бораёмиз. Пишиқ-пухта, билимли, юксак маҳоратли, ҳужумкор, наинки пойтахт, балки бутун Ўзбекистон номини дунёга танитишда ўзининг бор куч-ғайратини аямайдиган ёшларни вояга етказишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу борада бизни ҳамisha Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ҳамза тумани ҳокимлиги қўллаб келмоқда. Насиб қилса, Наврўз байрамига катта спорт мажмуамиз курилиши тугаланиб, фойдаланишга топширилади. Унда албатта замон талабларига жавоб бера оладиган катта футбол майдони, машғулотлар учун майдон, минни футбол учун спорт зали бўлади. Демак, ишимизни янада яхшилашимиз учун кенгроқ имкониятга эга бўламиз.

Яқинда минни футбол бўйича Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун республика футбол мактаб-интернатлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда 1987-1988 йилда туғилган ўқувчилар гуруҳи 2-ўринни эгаллашди. Эсдалик совғалари ва фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

— Дастуриимиздан келиб чиққан ҳолда иш режаларини белгилаб олганмиз. Уларнинг ижроси йўлида тинимсиз изланишлар олиб бораёмиз. Пишиқ-пухта, билимли, юксак маҳоратли, ҳужумкор, наинки пойтахт, балки бутун Ўзбекистон номини дунёга танитишда ўзининг бор куч-ғайратини аямайдиган ёшларни вояга етказишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу борада бизни ҳамisha Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ҳамза тумани ҳокимлиги қўллаб келмоқда. Насиб қилса, Наврўз байрамига катта спорт мажмуамиз курилиши тугаланиб, фойдаланишга топширилади. Унда албатта замон талабларига жавоб бера оладиган катта футбол майдони, машғулотлар учун майдон, минни футбол учун спорт зали бўлади. Демак, ишимизни янада яхшилашимиз учун кенгроқ имкониятга эга бўламиз.

— Демак, футбол мактабига ўқишга қабул қилинган ҳар бир ўқувчи бутун кун давомида мактабда бўлади. Узокдан келиб ўқийдиганлар учун ётоқхона ҳам мавжуд. Ҳар бир ўқувчининг таълим-тарбияси учун масъулият ҳисси жуда ҳам кучли бўлиши керак. Айни пайтда фақат ўғил болалар билан ишлашнинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги мавжуд, шундай эмасми?

— Биласизми, спортни севган, эртага яшил майдонга тушиб машҳур Марадона каби тўп суришни ҳавас қилиб келган болалардан ёмонлик чиқмайди. Катъий тартиб-интизомга риоя қилинади. Болалар спорт билан шуғулланиш баробари дабарча фанларни ҳам пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилишади. 11-синфни аъло баҳолар билан тугаллаб кет-

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Шаҳримизда Сихат-саломатлик йили муносабати билан ёшлар ўртасида соғлом-турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий томондан етук қилиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмулли ўтказиш, шунингдек, спортга бўлган қизиқишларини кучайтириш мақсадида бир қанча тадбирлар ўтказилмоқда.

Мана шундай спорт мусобақаларидан бири яқинда Тошкент молия ва иқтисодий коллежида «Ёшлар гивъандликка қарши» шиори остида ўтказилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими ташаббуси

билан ташкил этилган мусобақада тумандаги 27 та мактаб ҳамда касб-хунаар коллежларининг «Камолот» ЕИХ қошидаги «Камалак» болалар ташкили етакчилари иштирок этди. «Дустлик», «Камалак», «Лочка», «Ок кабутар»

Юлдуз РИЗАЕВА

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Тадбирлар

ТААССУРОТГА БОЙ БЎЛДИ

Бугунги кунда болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодини соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш энг устувор вазифалардан бирига айланган.

Жумладан Сергели туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Соғлом авлод учун» ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг муваффақиятлари билан ўзаро донор-суриб ийгилиганларни муваффақиятлари билан таништирди, «Ақлни қарқаш» машғулловининг сир-асрорлари ҳақида уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Учрашув ниҳоятда қизиқарли ва таассуротларга бой тарзда кечди. Жаҳон чемпиони талбир давомида барча иштирокчиларга омаллар тилаган ҳолда эсдалик совғаларини топширди.

Хусусан, яқинда тумандаги 301-мактабда шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионилигини кўлга киритган Сирожиддин Зайниев билан бўлиб ўтган учрашувдан ҳам

ҒОЛИБ

ТАҚДИРЛАНДИ

Айнан юқоридаги ҳамкорлар иштирокида тумандаги 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде ташкил қилинган 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги спорт мусобақалари ҳам ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди.

Туманнинг ёш спортчи қизлари Яккасарой, Миробод, Чилонзор ҳамда Акмал Икромов туманларидан ташриф буюрган жами 25 нафар иштирокчилар билан беллашдилар.

Спортнинг етти хил тури бўйича бўлиб ўтган қизгин баҳсларда биринчи ўринни Сергели тумани вакили

Г. Габдураҳмонова, иккинчи ўринни Яккасарой туманидан В.Салихова ва учинчи ўринни Миробод туманидан Л.Раҳматулиналар эгаллашди.

Барча мусобақа иштирокчилари ва ғолиблар ҳомий ташкилотларининг совға-саломлари билан тақдирланди. Садриддин АЗИЗОВ

Маҳамаларда

ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ

Фарзандларимизнинг соғлом, руҳан тегик бўлиб вояга етишлари, турли ноқонуний йўллarga гивъандлик қўчалари, экстремистик оқимларга билиб-билмай қўшилб қолишларига йўл қўймаслик, бўш вақтларини тўғри тақсимлаш ва ундан унумли фойдаланиш йўлида маҳалаларда ҳам турли хайрли юмушлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Собир Раҳимов туманидаги ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари Мирзо Ғолиб маҳалласида ҳам ўсмир-

Саломатлик — туман бойлик. Ушбу нақлга амал қилган «камолот»чилар турли мусобақаларда иштирок этиб ўз иқтидорларини, интилишларини, спортга бўлган қизиқишларини билан барчага ўрнак бўлиб келмоқдалар.

Мусобақалар

ҚУВНОҚ СТАРТЛАР

Яқинда Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улугбек номидаги академик лицейда Тошкент шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари ташаббуси билан «Қувноқ стартлар» мусобақалари ташкил этилди.


Ушбу тадбирда шахримиздаги 11 та туманнинг ҳар биридан 5 нафардан етакчи иштирок этди. Улар қолпоқ улоқтириш, арқон тортиш, ким кўп сакраш, узоққа югуриш каби спортнинг 8 хил тури бўйича ўзаро куч синашдилар.

«Камолот» ЕИХ ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Юнусобод туман бўлимида ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақа ни-

ҳоятда қизиқарли, таассуротлорига бой ва юқори кўтаринкиликда бўлиб ўтди. «Камолот» етакчилари бор куч ва имкониятларини ишга солиб фақат галабага интилдилар.

Бутун тадбир давомида лицей қошидаги бадий жамоа ижросида қувноқ куй-қўшиқлар янгради. Ниҳоят, ҳал қилувчи лаҳзаларда мурасасиз ўтган ушбу мусобақада биринчи ўринни Мирзо Улугбек, иккинчи ўринни Юнусобод ва учинчи ўринни Акмал Икромов туманлари жамоалари эгаллагани маълум бўлди.

Мусобақа ғолиблари ва қатнашчилар эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Ситора РАҲМОНОВА, талаба



Соғлом фарзанд — юрт таянчи,

либ, фойдаланиш билан банд бўлишлари учун барча шароитлар яратилишига ҳаракат қилишмоқда.

— Маҳалламизда 2196 нафар аҳоли бўлиб, шулардан 700 нафари вояга етмаган ёшлардир, — дейди Мирзо Ғолиб маҳалласи фуқаролар йигини раиси Диловар ака Мирбобоев. — Имкон қадар уларнинг соғлом бўлиши, спорт билан шуғулланиши учун ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Маҳалламизнинг ўзида шахмат-

Ёшларнинг таълим-тарбия олишлари, спорт билан шуғулланишлари, жисмонан соғлом ва бақувват бўлишлари йўлида умумтаълим муассасаларида ҳам кенг шарт-шароитлар яратилган.

Таълим муассасаларида

СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИЛАР

Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда ёш авлод саломатлиги йўлида олиб борилаётган юмушлар ҳақида ҳам юқоридаги каби илиқ фикрларни айтиш мумкин.

Чилонзор туманида жойлашган 477-«Ниҳол» болалар боғчасида уч юздан зиёд жажжилар тарбияланмоқда. 12 та гуруҳдан иборат мазкур мактабгача ёшдаги болалар муассасасида 17 нафар малакали педагог ва тарбиячилар ўсиб келаётган ёш авлоднинг қилиб таълим-тарбия берилмоқдалар.

Хусусан, болалар спортини ривожлантиришга ҳам бу ерда катта аҳамият қаратилмоқда. — Кичикинтойларнинг соғлом ва баркамол ўсишлари учун катта гуруҳ болалари учун махсус спорт дастурини ишлаб чиқдик, — дейди болча мудири Зубо Юсупова. — Шунга асосан жиҳозланган спорт залида турли спорт ўйинлари ўтказилиб турилади. Гуруҳлар ўрта-

сийди. Улар ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланиб спортга иштиқ, муҳаббат уйғота оладиган заҳматкаш мураббийлар.

Ил давомида ўтказилиб келадиган турли спорт мусобақалари, кўрик-танловларда ўқувчиларимиз фаол қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Ўтган йиллар давомида спортнинг футбол, стол тенниси, шахмат каби турлари бўйича туман биринчилигини кўлга киритганмиз. Шахмат-шашка мусобақаларида «чиройли ўйин кўрсатган Нарғиза Абду-жабборовва; Моҳиюр Файзиёва, стол тенниси билимдони Зойит Искандаров каби ўқувчиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шунинг айтиб ўтиш кераки, мактабимизда тахсил олаётган барча ўқувчиларнинг саломатлигини тиклаш, спорт билан ошно бўлиш, келажакда соғлом, қомил инсон бўлиб вояга етишлари йўлида бор куч ва имкониятимизни ишга солганмиз.

Азиза МУҲАМЕДОВА

Тарбия мактабларида

БАРЧА ИМКОНИЯТ МАВЖУД

Чилонзор туманида жойлашган 477-«Ниҳол» болалар боғчасида уч юздан зиёд жажжилар тарбияланмоқда. 12 та гуруҳдан иборат мазкур мактабгача ёшдаги болалар муассасасида 17 нафар малакали педагог ва тарбиячилар ўсиб келаётган ёш авлоднинг қилиб таълим-тарбия берилмоқдалар.

Хусусан, болалар спортини ривожлантиришга ҳам бу ерда катта аҳамият қаратилмоқда.

— Кичикинтойларнинг соғлом ва баркамол ўсишлари учун катта гуруҳ болалари учун махсус спорт дастурини ишлаб чиқдик, — дейди болча мудири Зубо Юсупова. — Шунга асосан жиҳозланган спорт залида турли спорт ўйинлари ўтказилиб турилади. Гуруҳлар ўрта-



сийда мунтазам равишда мусобақалар ташкил этилган. Ўтган йили туман боғчалари ўртасида ғолибликни кўлга киритдик. Бу йил баҳорда шаҳар миқёсидаги мусобақада қатнашамиз. Бунинг учун тарбия масканимизда барча имкониятлар мавжуд.

Раҳмонали АКБРАЛИЕВ СУРАТДА: «Ниҳол» боғчасидаги болалар спорт машғулотида лавҳа. Муаллиф олган сурат.

Маҳамат

ЁШЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, стадионлар ва спорт мажмуаларини жаҳон талабларига мос келадиган анжомлар, замонавий техник жиҳозлар билан таъминлаш, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, ҳар соҳада бақувват, қомил инсон қилиб вояга етказиш йўлида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Хусусан, Шайхонтоҳур туманидаги 15-олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде ҳам бу борада салмоқли юмушлар амалга оширилмоқда. Ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилган ушбу спорт мактабиде 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ақлни қарловчи, идрок ва тафаккур машғулоти бўлмиш шахмат билан кенг шуғулланмоқдалар. Уларга спорт мактабининг тажрибали ўқитувчилари сабоқ бериб турли мусобақаларда қатнашиб ғолибликни кўлга киритишлари, ўзларига бўлган ишончининг ошишига ва шу асосда рабатлантиришга эришиб келмоқдалар.

— Мана яқинда шахмат бўйича бўлиб ўтган шаҳар биринчилиги му-

собақаларида ҳам ушбу мактаб тарбияланувчилари муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни кўлга киритишди, — дейди биз билан сўхбатда шаҳар шахмат федерацияси котиби Тўлқин Қўқонов. — Шоғирдларимиздан У.Тиллаев, Н.Хурушов, С.Нажмиддинов, А.Яшинов, Ф.Азизова, Д.Поторженескова, Т.Турдиқалиева, Н.Сухорова, И.Кимова каби ёшлардан умидимиз катта. Ғолибликни кўлга киритган ўғил-қизларимиз энди Республика биринчилигида ўз маҳоратларини синовдан ўтказадилар. Ниҳоятми мустакил юртимиз истиқболи йўлида иқтидорли, истеъдодли ёшларни қомил инсон қилиб вояга етказишди. Юнус АСРОПОВ

бўш вақтларидан унумли фойдаланишларига посбонлар сардори Шароф Камолов бошчилигида 13 нафар посбон ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Фарзандлар — бизнинг келажакимиз, умримиз давомчилари. Уларнинг соғлом, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари ҳар биримизнинг ҳаракатимизга, ўз ишимизга виждонан ёндошишимизга боғлиқ.

Шоҳсанам МУРОДОВА

Шарқ дурдоналари



● Кадр-қимматни, «етти ёт бегонадан» тортиб, инсон зоти борки, ҳаммасини эъозлашимиз керак. Ишонган боғимиз, суйанган тоғимиз — ота-онамиздек азизу ноёб зотларни қайта топиб бўладими?! Атрофимизда юрган ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, дўсту ёр, кўни-кўшни, ҳамма-ҳаммамиз бир-биримизга ганиматмиз.

**ХИКОЯТ.**

Бир кекса кампирнинг якка-ёлғиз ўғли бўлиб, у уйланган, хотиннинг сўзига кириб онасига овқат берганда туртар, сўз айтганда жеркар, волидасига ҳеч рўшнолик кўрсатмас экан. Вақти қақоси етиб, она вафот этибди, ўғли эса эл-юрт ўртасида обрў-этибор топмоқчи бўлиб онаси тобуги устида гирён уриб йиғлабди, кейин ҳар маърақасида қозон-қозон ош дамлаб элга едирибди. Бир кун она ўғлининг тушида оқ кафанга ўралиб келиб, йиғлаб нола қилди:

— Эй болам, мен учун энди азият чекиб ҳар хил маърақалар қилмай қўя қол, мен жаннатдаман, — дебди, сўнг икки мисра мана шу шэърни айтибди:

Тиригимда айламадинг мени дил шод,  
Ўлганимда хоҳ қилгин шод,  
хоҳ қилма шод.

● Одамзод тириклигининг зийнати бир-бирини кадр-қиммат қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиши билан безанади. Одатда, яхши одамлар иззатталаб, ҳақталаб, илтимос талаб бўлишмайди. «Мен мана бундай меҳнат қилдим, мен мана бундай иш кўрсатиб қўйганман», деб кўркака урмайдилар, шон-шавақтларини кўтаришга аюханнос солиб, муқофот талаб қилишмайди. Яхшилар ҳалол меҳнатлари билан эл-юртга катта фойда келтириб, камтарона ҳаёт кечира-верадилар. Ҳеч бир кадр-қиммат, меҳр-оқибат кўрмайдилар. Буни ўзлари билиб, ўзлари эзилдилар. Қазои муаллақ етиб келганда эса: «Ҳаёт шунақа экан-да», деб кўзга сўнгги ёшни оладилар бу дунёдан кетадилар. Олижаноб ва покдил бундай одамларнинг атрофида юрган баъзи калтафаҳм, нодон, худбин кимсалар уни кадрлашни, меҳр-оқибатни кўрсатишни ҳаёлга ҳам келтирмайдилар. Чунки пок одам ҳалол яшаган, худбинларга қўшилиб ҳаром емаган, уларга елпатақлик ҳам қилмаган. Қора юрак кимсалар тўри ва ҳалол одамни ёқтириш, хатто номини ёмон отликқа чиқаришга ҳамла ҳам қилдилар.

«Қилмиш — қидирмиш» деганларидек, қора юрак кимсалар кўп ўтмай ҳаётдан тегилши азоб ва жазони оладилар. Ачинасан, ачинасан, яхши одам кадрини тополмай кетганига ачинасан. Лекин, олтин коса сингани билан баҳоси паст бўлиб қолмаганидек, яхши одамнинг кадр-қиммати ҳеч қачон йўқолмайди, номи ўчмайди. Дунёда яхшилар бор экан, ёмонлик голиб чиқолмайди.

**ХИКОЯТ.**

Бир доно ҳақимдан одамлар сўрашди:  
— Бу дунёда яхшилар кўпми, ёмонларми?  
Доно ҳақим жавоб берди:  
— Дунёда яхшилар кўп, ёмонлар оз... Бир тасаввур қилинг. Бир челақ тоза сувга бир томчи қора сиёҳ тушса, ҳаммасини булгайди. Она-табиат эса сувни ҳаволатайди, оқизиб, думалатиб, барибир қора сиёҳ дегидан тозалайди... Одамлар ҳам шундай, тозалик, поклик, софдиллик инсон табиатида олам охиригача туради, яхшилар борки, бу дунёда гуллаб-яшнаб омон яшашти...

Байт:

Боқаман кўзда зиё,  
мангу барқарор дунё,  
О, кенга кенгир дунё,  
торга эса тор дунё.  
Кимдир ҳаёт ошиғи,  
баланд парда қўшиғи,  
Суйганга суюқ дунё,  
суймаганга тор дунё.



Ватанинга содиқ фарзанд бўл, ўғлим!

2005 — Сихат-саломатлик йили

**САҲОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН ИНСОНИЙЛИК**

Мен ҳозирда 75 ёшга тўлган бўлсам, 55 йилдан буён ҳарбий хизмат ногирониман. 9 йил бўлди тўшакка миҳланиб қолганман. Ҳаётда шунчалки қийинчиликларни кўрган бўлсам-да, битта нони бўлса-да, бўлишиб баҳам кўра оладиган халқимиз борлигидан фахрланаман.

Янги — Сихат-саломатлик йилида грип деган дард шошилиб қолдим, отини қамчилаб хонадонимизга кириб келиб, бутун оила аъзоларимиз саломатлигига чанг солиб, уйимиз бирпасда шифохонага айланди-қолди. Шайхонтохур туманидаги 55-оилавий поликлиникамизнинг жафокаш, жонкуяр шифокорлари жонимизга оро киришиб, орадан бир ҳафта ўтиб оила аъзоларимиз саломатлиги тикланиб, дард чекинган бўлсада, кексаликми, нечукдир мени ҳали ҳануз қийнамоқда. Шифокоримиз Ҳақиммахон Сайфуллаев шу даражада заҳматкаш инсонки, кунора келиб мендан хабар олиб, кўриб турса, ҳамширамиз дардимга малҳам

бўлиб, кунда-шунда.

Дардим чекинавермагач, бир кун Ҳақиммахоннинг тавсияси билан жарроҳ Лола Мардонова ҳамда невропатолог Умида Раҳмоновалар келиб мени кўришди. «Аслида Сизни шифохонага йўллаш керак бўларди, найлоқ, айтиш керакки, сизга буюрилган меулажалар шифохонада кўрсатиладиганидан кам эмас, ҳечқиси йўқ, ҳадемай ҳаммаси яхши бўлади», дейишди.

Уфқдан бош кўтариб ўзининг роҳатбахш нурларини тарава бошлаган саҳий кўеши-миздан инсон зоти ўзгача бир илиқликдан қанчалар баҳраманд бўлиб соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгани каби мен ҳам юртдошларим-

нинг кўрсатган меҳр-муруватидан ана шундай баҳраманд бўлдим.

Айтишларича, ҳаммаси бўлиб 200 грамм келадики оппоқ халат кийган шифокор ўз елкасида 200 килоли юкни сезар экан. Бу юк масъулият аталиб, инсонни фидойи бўлишга олиб келар экан, деган фикрга бордим. Мен нафақат фидойиликни, ваҳоланки саховатла йўғрилган фидойиликни мана шу жафокаш, жонкуяр шифокорларимизда кўрдим.

Дардим оғирлашиб, устига устак баъзи сабабларга кўра оиламиз андаккина ноҳор аҳволдалигини кўрган шифокорлар — Лола Мардонова ҳамда Умида Раҳмоновалар ҳар бирлари кўнмаганимга қара-

**САМАРҚАНД ВА ЛЬЕЖ БИРОДАРЛАШДИ**

Ўзбекистон ва Бельгия муносабатлари тарихида эътиборга молик воқеа рўй берди — Самарқанд ва Льеж шаҳарлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Льеж — Бельгиянинг йирик sanoat шаҳри, тарихий ва маданий марказидир. Унинг аҳолиси 500 минг кишига етади.

Льеж ва Ўзбекистон ўртасидаги ришталар узок тарихга эга. Солномаларда битилишича, шаҳар VIII асрда муқаддас Ламберт қабри пойида зиёратчилар кўним топадиган жой сифатида барпо бўлган. Муқаддас Ламберт жасади хориждан келтирилган қимматбахо ипақдан тўқилган гиламга ўралган экан. Ўтган асрда европалик тарихчилар ва тўқимачилик соҳасида мутахассислар ушбу гилам Бухорода тўқилганини аниқлашди. Ҳозирги кунда у шаҳарнинг асосий қадамжоларидан бири бўлиши муқаддас Павел собори музейида сақланмоқда.

Ўтган йили, Льеж провинцияси губернатори бошчилигидаги ҳайъат Самарқандга ташриф буюрган эди. Яқинда эса Льеж мэри тақлифида биноан Самарқанд шаҳри ҳайъати ҳам Бельгияда бўлди. Мазкур ташриф доирасида Самарқанд ва Льеж ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Бельгия бош вазири ўринбосари, молия вазири Дидье Рейндерс шу му-

носабат билан «Жаҳон» АА муҳбирига интервью бериб, шундай деди:

— Самарқанд ва мен тугилиб ўсган шаҳар ўртасида дўстлик ришталари ўрнатилгани менга мамнуният ҳиссини бахшида этди. Мен сўнгги йилларда икки марта Ўзбекистонда бўлиб, Самарқанднинг буюклиги ва қудратли салоҳиятига гувоҳ бўлдим. Мазкур битим доирасида гуманитар, илм-фан, татлим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашувлар йўлга қўйилди.

Самарқандликларнинг Бельгияга ташрифи давомида Льеж университети ва Самарқанд университети ўртасида ҳам ҳамкорлик битимига имзо чекилди.

Самарқанд ва Льеж шаҳарлари биродарлашгани Бельгия матбуотида кенг ёритилди. «Ле Жур» газетаси ушбу воқеага изоҳ бериб, «Самарқанд хаттоки ўзининг номи билан ҳам киши тасаввурини қамраб олади» деб ёзади. «Ле Суар» газетаси эса Самарқандга «Кўёш нурларига қамраган, гузалликда кўзни қамаштирадиган шаҳар» дея таъриф берган.

**Жамшид МУТАЛОВ,**  
«Жаҳон» АА, Брюссель.

май баҳоли қудрат ёрдам пули беришди.

Қон-қонимизга сингиб кетган инсоний олий фазилат — меҳр-муруватга ўзгача бир урғу берилиб уни янада қўқларга кўтариш мақсадида Меҳр-муруват номланган 2004-йилимиз тарихимиз йилномасининг яна бир зарваригини беэади, бойитди. Янги — 2005 Сихат-саломатлик йилида эса давлатни давлат қиладиган, қудратига қудрат, обрўйига обрў қўшади бирдан бир бойлик — халқ, келажак авлод саломатлигини таъминлаш, уни ҳимоя қилиш ўрнига қўйилганини хис қилдим.

Авлоддан авлодга мерос тарихида ўтиб келаётган инсонни кадрлаш, меҳр-муруват, саховатпешалик янги 2005 йилда ҳам давом этиб Сихат-саломатлик йилимизга уйғунлашиб борар экан, турмуш тарзимиз ҳам муруватли, ҳам соғлом бўлади албатта.

Инсонпарвар, саховатпеша заҳматкаш халқимизбор бўлсин!

**Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,**  
I-гурух ногирони,  
меҳнат фахрийси.

**ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

Харуҳико Курода Осие Тараққиёт банкнинг янги президенти этиб сайланди. У ташкилотни янги кучлар билан дунёдаги энг долзарб муаммоларга қарши курашишга чорлади. Бу ҳақда Осие Тараққиёт банкнинг Тошкентдаги ваколатхонаси «Туркистон-пресс»га қуйдагиларни маълум қилди.

— Осие-Тинч океани минтақасида иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва яқин йилларда қашшоқлик даражасини камайтириш учун кулай шароитга эга, — деди Х. Курода ўз сўзида. — Чунки мазкур минтақада аҳолининг бу борадаги имконияти катта. Осие-тинч океани минтақасининг ўсиб бораётгани ва тез ўзгараётганини инобатга олиб, Осие Тараққиёт банки худди «уй шифокори» сингари тез ва ўз вақтида мазкур минтақанинг талаб ва истакларини қондириши керак.

Осие Тараққиёт банкнинг янги президенти Х. Курода ўта қийин вазиятда, яъни минтақадаги айрим давлатлар қинда содир бўлган табиғий офат — цунамига қарши курашаётган вақтда лавозимга сайланганигини таъкидлади. У мазкур офатдан азият чекаётган ривожланаётган давлатларга илоҳи борича ёрдам кўрсатишини эътироф этди.

Сўнгги йилларда Осиедаги ривожланган давлатларда қашшоқлик даражаси 34 фоиздан 22 фоизга пасайган бўлсада, янги президент барча минтақалардаги энг долзарб муаммо бу қашшоқлик дея эътироф этди. Унинг сўзларига қараганда ушбу пасайишнинг катта қисми минтақадаги алоҳида давлатларга тўғри келади.

Барқарор ривожланиш буйича БМТнинг

мингйиллик дастури мақсади қашшоқликка қарши курашиш ва унинг камайиши учун асосий дастур бўлиб қолади. — деди Х. Курода. — Лекин улар уша минтақа маҳаллий шароити ва устивор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда татбиқ этилиши керак. Иқтисодиётнинг ривожланиш босқичида жамиятнинг энг кам таъминланган табақаларини эсдан чиқармаслик керак.

Қашшоқлик даражасининг пасайиши олдидан бўлган гендер муаммолари ва болаларнинг алоҳида эътиёларини инобатга олиб қўлила-қувватлашни талаб этади. Бу масалага бошқа давлатлар қандай қарайдиган қатъи назар, Осие-тинч океани минтақасида барқарор ривожланиш буйича БМТнинг мингйиллик дастурининг тезроқ амалга ошириш лозим.

Хорижий сармояларнинг жалб этилиши иқтисодиётнинг ривожини ва қашшоқликнинг пасайиши учун муҳим аҳамиятга эга. Осие Тараққиёт банки минтақада соғлом бизнесни йўлга қўйишга хайрихоҳлигини билдиради.

Айниқса хусусий сармоя ва хусусий бизнесни ўзига қарайдиган институт ва сиёсатни ривожлантириш лозим. Унинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг ҳаётий муҳим омилларидан бири бу табиғий инфраструктурани қуриш ҳамда

мазкур жараёни экологик ва ижтимоий кафолатини таъминлайдиган Осие Тараққиёт банкига ўхшаган институтлар жуда катта роль ўйнайди.

Осиеда иқтисодий тараққиётнинг бошқа бир муҳим жиҳатларидан бири минтақадаги унга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамжиҳатликнинг рағбатлантирилишидир.

Ўзбекистон Осие тараққиёт банкига 1995 йилда аъзо бўлди. Ўтган вақт мобайнида банк томонидан Республикамизга 19 та лойиҳага қаратилган 859,7 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит ва қарзлар ажратган. Шунингдек, таълим, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт коммуникацияси ва энергетика соҳасини замонавийлаштиришга қаратилган 55 та лойиҳа учун 30,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан техник ёрдам кўрсатган.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Осие Тараққиёт банки ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида узаро ҳамкорлик ва банкнинг республикадаги хусусий секторга қўмағига қаратилган меморандум имзоланди. Меморандум Осие Тараққиёт банкнинг Шарқий ва Марказий Осие бўйича департаменти директори Муҳаммад Тусним ва Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Рустам Азимов томонидан имзоланди. Мазкур меморандум Ўзбекистонга ҳукумат кафолати билан Осие Тараққиёт банкнинг грантлари ва қарзларидан фойдаланиш имкониятигина эмас, балки, акциядорлик капиталга сармоялар ва кредитлар, тижорат банклари, лизинг компаниялари ва бошқа нобанк молиявий институтлар учун кафолатлардан фойдаланиш имконини беради.

**Алоуддин ҒАФҒОРОВ,**  
«Туркистон-пресс»

Одамлар одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар. Йиллар давомида ёзда чанг, қишда қор босиб ётган кулгихона гафлат уйқусидан бош кўтарди. У бугун онадан турилгандек ёшариб, янгилиниб замон рухига мослашиб сизга хизмат кўрсатишга шай бўлиб турибди. Сиз энди икки ҳафтада бир марта «Оқшом»нинг бир бетлик саҳифасида унинг кўнгли очди, ҳаётини хангомаларидан, ичакузди қатраларидан, кулги даргаларининг чиққисларидан баҳраманд бўласиз. Бу саҳифанинг ранг-баранг ва мазмунли чиқишида ҳамда «Сизнинг энг яқин ҳамроҳингиз бўлиб қолишида кулгихона соҳиблари — бадий сўз устаси — Валижон ШАМШИЕВ (ЧАҚҚОНБЕК) ва журналист Махмуд КОМИЛЖОНОВ (ОҚШОМБЕК)лар тер тўкиб жонбозлик кўрсатишди. Кулгихона хонадонингизга ширин табассум олиб киришини хоҳласангиз шоҳилинг, газетамизни харида қилинг, ундан нафақат сиз, балки оила аъзоларингиз ҳам баҳраманд бўлади.

Одамлару, одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар, бугун кулгихонанинг дастлабки саҳифасини унинг мутасаддиларидан бири бўлган Валижон Шамшиевни сизга янада яқинроқ таништириш мақсадида Чаққонбек ва Оқшомбекларнинг ўзaro суҳбатидан бошладик. Уқинг, кулинг, дам олинг.

## УЧРАШУВ

- Ассалому алайкум, мумкинми Оқшомбек ога.
- Ваалайкум ассалом, келинг, Чаққонбек дўстим.
- Келдик.
- Утиринг.
- Каерга?

Бундай раам солсам хонадаги иккита стул ҳам муҳлисдан билан банд экан. Хонада кулги кўтарилди.

- Хонангиз ўта тор экан, бунинг узингиз танлаганмисиз, ёки сиз ҳам менга ўхшаб жаримага тортлангисиз?

- Тор бўлса ҳам кўнглимиз кенг, офтобравон, оханрабоиш борда бу хонани.

- Ишқилиби бизни уйга ўхшаб остонаси тиллодан эмасми?

- Бўлиши мумкин.

Унда остонани кавлаб кўринг. Зора ўша сиз кидирган тилло чиқиб қолса. Бу гапни бежиз айтмадим. Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловни яхши танийсиз. У киши Андрихоннинг «Кўрпа-сидан. Мен эса «Чўнтак» иданман. Хумо куши бошимизга кўниб «Кўрпа-«Чўнтак» топшишб шўқашянинг қизларига уйландидан бўлиб қолдим.

Никох куни келин бўлиши одатдагидек расм-русумга биноан адалари билан хайрлаша туриб йилгаб қолибдилар.

- Мен кўвеникига бормайман.
- Нега бормайсан қизим, ахир...
- Қўрмаман.
- Нега қўрқасан? Мен бор, онанг бор.

- Бўлмаса мени ўзиз ойим билан машинангизда обориб кўйинг.

— Ахир ташқарида кўвё томондан келган қатор-қатор янги машиналар турганда бизнинг шалок машинамизда сени ташмагаб юришимиз қилдоқ бўларкин қизим?

Қизлари барибир у кишини кўндирибди. Рўнда Эркин ака, ёлғарида қайин онамиз, орқа ўриндиқда иккита янға, ўртада келин пошша, уларнинг кетидан эса хотин-халакларни ортдан қатор-қатор машиналар йўлга тушибди. Шунда бирдан янгалар «ёр-ёрни бошлаб қолдишди.

**Йилгама қиз, йилгама тўй сеники**  
**Остонаси тиллодан**

**тўй сеники**  
**уй сеники.**

Ёр-ёр охангига маст бўлиб ўтирган келин пошша дадасига қараб: — Адажон, кўвенингизнинг остонаси тиллодан дейишлатти эртага чарларига келганимда сизга қанча тилло олиб келай, — дебди. Бу сўздан ҳамма қотиб-қотиб қулибди.

Орадан ун-тўрт кун ўтиб, келин-пошша ишва билан менга чой узата туриб:

- Останонгизни тиллодан дейишди. Нега кўндан бери кузатаман. Тилло туриб унинг урвоғини ҳам тополмайманку, деб қолди.

Бу гапни олдин ҳазивага йўйдим, кейин уйланиб қолдим. Минг қилса ҳам номдор санъаткорнинг қизи.

Артист энтиб сизга бўлади. Бунинг ҳам қонда борда, бўлмаса бекорга бу сўзни айтмасди, деган хабарга бориб унинг гапига чипла-чин ишондим. Ушандан бери эр-хотин бўш вақтимизда қўлимизга кетмон-теша олиб остонани кавлаб/вериб илма-тешиқ қилиб юбордик. Хамон биз кидирган тиллодан дарак йўқ.

Сиз ҳам бизнинг бу ҳазилимизга ишониб остонангизни беҳуда кавлаб юрманг, минг қилса ҳам қадрдонимизсиз. Бизнинг бошимизга тушган савдо сизнинг ҳам бошингизга тушмасин дейманда.

— **Ихлосмандлар санъаткорларнинг илдан игнасига-ча билишга қизиқшадди.** Айниқса Валижон Шамшиевнинг

**ўтган кунлари улар учун қизиқарли. Шундай экан бироз ўзингиз ҳақингизда маълумот берсангиз.**

- Таржимаи холимини сўрайсиз-да. Тавба, қанчки бирор масъул идорага борсанг шуни сўрашади. Айниқса маъмурий органларни қизиқтирган савол бу. Қўрқманг, жиний жавобгарликка тортилмаганман. Сўрадингиз, майли айтай.

165 йилнинг 17 январида Андижон вилоятининг Марҳамат тумани, Қорабоғиш қишлоғининг Чўнтак маҳалласида туғилганман. Оилада беш ўғил, икки қиз бўлганман. Дадам, Адам ака, онам — Умрча аялар ўз даврида хўб ва кўп ишлашган. Ҳозир кексалик гаптини сўришяпти. Ёшли-



гимдан китоб мутолаасига берилганман. Уилничи синфи кумуш медалга битириб, 1991 йилда Тошкент театр ва расомчилик институтига (ҳозирги Санъат институти) ҳужжатларимни топширдим.

— **Илтимос, сал секинроқ, ёзиб ўлгуролмайман.**

- Кеңирасиз, бир воқеа сабаб шунча тез гапирадиган бўлиб қолганман. Тарки одат амри маҳол эканда.

Институтда ўқиб юрган кезларимизда не машаққатлар билан чой қайнатиб дамлаб қўйсак, энди-ичаман, деб турганимизда ўқашгандек бирор танишимиз чакриб қиларди. У билан гаплашиб қайтганимизча чойни ҳамоналаримиз ичиб чойнакни бўшатиб кетишарди. Бир сафар чой дамлаб турсам курсдошларим эшикни тўра очиб илмлаб қолдишди. Ҳозир делдимда бир қоғозга: «Бу менинг чойим, ичманглар, ичига тутуриб қўйганман» каби ёзув ёзиб уни чойнакнинг қопқоғига қис-тириб қўйдим. Илши тилказиб қай-тиб хонага кирсам столда яна бир ёзув пайдо бўлибди. Унда қўйдиғилар битилган эди. «Сен ҳам ичма, биз ҳам чойнакнинг ичига тутуриб қўйдик».

Шундан бери фурсатни бой бермай овқатни ҳам, чойни ҳам тез-тез ичашга ҳаракат қиламан.

Нима дейсиз, бўлдимки ёки таржимаи холимини давом эттирайми?

— **Давом эттинг.**

- Росмана сўров бошланди шекилли. Биринчи йили институтга кирилмадим. Шунда бироз тажриба орттириш мақсадида Андижон вилоят театрида ишлаб юрдим. Хуллас, қарорим қатъий экан иккинчи йили ўзим севган институтга қабул қилидим.

Ўқиб юрган вақтларимда Охун-бобров номи ёки томошабинлар театрининг режисёри Олимжон Салимов билан танишиб қолдим. У мени шу театрда ишлашга так-

лиф этди. Шу ерда кечаси қоровуллик, қандузи боббонлик, баъзи спектаклларда роль ўйнаб артистлик қилдим. Булдимки? Яна нима?

— **Устозларингиз.**

- Улар жуда кўп. Биринчи айтиб бирини қолдирсам кўнглисизлик бўлар. Шунинг учун уларни бирма-бир санамай қўя қолай. Энг муҳими 1994 йилда бир тўйда кулги устаси Мирзабек Холмедов билан учрашиб қолдик. Шунда у киши «Мирзо» театрини ташкил қилаётганини айтиб, мени ўзи билан ҳамкорлик қилишга ундади. Бу истакни бажонидил қабул қилдим. Бор гап шу.

Театрда ишлаб юрган чоғларим. Анча эл оғзига тушиб, машҳур бўлиб қолганман. Санъат саройида бериладиган навабдаги концертимизга тайёргарлик қўриб турсам хотиним:

- Тўхтагн, пайгоҳингизни алмаштириб кетинг. Мана бунисининг учи бироз йиртилган экан, тикиб берай деб қолди.

Хотининг сўзи амри вожиб. Қулиб турдим. Бирдан у ип ўлказаман деб қўлидаги игнасини тиламга тушириб юборди. Хона мин қоронку бўлгани учун кидириб илгани тополмадим. Кейин менга: «Тўғлини ечинг» деди. Ечдим. «Энди оёғингизни судраб босинг» деди. «Буниси ниммага» десам, «Зора игна оёғингизга санчилса топиб олардик» деди.

Шундан бери оёқни судраб босиб, қўзилиб юришни ёйман қўрдан. Спорт — менинг хоббийим. Ёшлигимда спортнинг у-шу турига қатнашганман. Ҳозирда қарата билан шуғуланаман. Ўйлашимча, суҳбатимиз ҳам анча чўзилди. Шляван-дарани зериктириб қўймастик учун шу ерда гапни мутасар қилсак. Кулгихона ўзимизники бўлгандан кейин хали оқшомхоналар билан кўп марта дийдорлашамиз. Насиб қилса ўшанда чага гапларнинг ҳам ўрни тўлиб кетади.

## Қизиқ ҳикоятлар

### МЕН ДАВОЛАЙ ОЛМАЙМАН

Бир киши табибнинг олдида бориб, қорин оғриғидан шикоят қилди.

- Нима еган эдинг? — сўради ундан ҳақим.

- Озгина мол гўшти, балик, товук тухуми ва қатик, — деб жавоб берди у.

- Уйингга бориб Худодан соғлигингни тилаб ётавер. Мен сени даволай олмас эканман.

### ИЛМИМГА ЯРАША

Бир воиз минбарга чиқиб ваъз ўқийтган эди, одамлар ундан бир нарсга ҳақида сўрашди. У эса билмайман деб жавоб берди.

- Минбар нодонларнинг жойи эмас, — дейишди.

Воиз: — Мен минбарга кўтарилган эканман, илмимга яраша кўтарилганман. Агар нодонлигимга яраша кўтариладиган бўлсам, унда осмонга чиқиб кетган бўлардим, — деди.

## АСЛО ИШОНМА

Бир киши шиша солинган сандикни ҳаммолга бериб, уйига элтишни тайинлади.

- Агар шуни элтиб берсанг, сенга учта ёқимли хислатни ўргатиб қўяман, — деди у.

Ҳаммол рози бўлиб, у билан бирга жўнади. Йўлнинг учдан бир қисмини босиб ўтганларида, ҳаммол биринчи хислатни талаб қилди.

- Агар биров сенга: «Очлик — тўқликдан яхши» деса, асло ишонма, — деди ҳалиги киши.

Йўлда давом этдилар. Йўлнинг учдан икки қисми босиб ўтилганди, ҳаммол иккинчи хислатни талаб қилди.

- Агар биров сенга: «Пиёда юриш — уллов устида юришдан яхши» деса асло ишонма, — деди у.

Уйга етиб келганларида ҳаммол учинчи хислатни сўради.

- Агар биров сенга: «Сендан кўра арзонроқ ҳаммол бор» деса асло ишонма, — деди.

Ҳаммол елкасидаги сандикни ерга отиб юборди, ундаги ҳамма шиша чил-чил синди. Шунда ҳаммол ҳалиги кишига қараб:

- Агар биров сенга: «Шу сандик ичида бутун шиша бор» деса, асло ишонма, — деди-да орқасига қайтди.

## Николай НИКИТИН ОЛТИН БАЛИҚ (Ҳажвия)

Ботир ўғлоннинг ови бароридан келди. Унинг қармоғига олтин балиқ илindi. Шунда балик тилга кириб:

- Хар қандай истагингни бажо келтирмаман, фақат мени қўйиб юбор, — дея илтижо қилди.

Ўғлон хаёлга чўмди. Балик тоқат қилолмай:

- Машинанг борми?— деб сўради.
- Йўқ, — деб жавоб қилди ўғлон.
- Шуни сўра.
- Ҳайдаш гувоҳномаси биланми?
- Йўқ гувоҳнома беролмайман. Шахсий фазилат ва қўнимча беришга ҳақким йўқ.

Ўғлон ўйланиб қолди. Курсда ўқиб керак... Кейин машинани каерга қўяди. Таямирлашчи?

- Менга машина керак эмас.
- Унда мансаб беришим мумкин.
- Жавобгарлиги йўқми?

Ботир ўғлон яна хаёлга чўмди. Йиги-лишлар, баҳслар, инфаркт... Қўнғироқлар...

- Йўқ, — деди у. — Менга мансаб керак эмас.

Шунда олтин балиқ ҳам ўйланиб қолди. Кейин:

- Уйланганмисан? — деб сўради.
- Йўқ.
- Қаллик керакми?
- Бошқаларнигина ўхшамагани?— серкак тўртди Ботир.

- Албатта, бошқаларнигина ўхшамаган, — хайқирди балик.
- Кейинчи?
- Кейин... чайналди олтин балиқ, — кейин балки ҳамманкига ўшар...

Ботир ўғлон яна ҳам чўқур уйга толди. Уйланган дўстлари билан онда-сондаги учрашувларини эслади. Уларнинг айт-тадиган гаплари ҳам эсига тушди.

У олтин балиққа ҳеч нарсга демади. Ўрнидан турдию қулчакшлаб балиқни сувнинг узоқроқ жойига отди.

Кейин қармоғини йиғиштиришга тушди.

**Русчадан Ф.ЖАЛОЛОВ таржимаси.**

## Латифалар

**Уйғур халқи орасида Насриддин афанди билан бир қаторда Салай чакқон латифалари ҳам кен тарқалган. Қуйида Салай чакқон латифаларидан бир нечтаси билан танишасиз.**

### КУТУЛИШ ЙЎЛИ

Салай чакқондан сўрашибди.

- Тўхматчилардан қутулиш учун нима қилиш керак?

- Тўхматчиларнинг сўзини тинглаганларнинг қулқоқларини кесиб ташлаш керак, — деб жавоб берди Чакқон.

### НИМАСИНИ ТЎКАМАН

Бир калондимоғ бойвачча Салайга дебди.

- Нима, мени обрўйимни тўкишдан бошқа ишинг йўқми?

- Йўқ, — дебди Салай чакқон.

Унинг йўлмай «Йўқ» деганидан кулгиси қистаган бойвачча:

- Ундай бўлса тўкавер, — дебди.

- Йўқ обрўйингнинг нимасини тўкаман? — сўрабди Салай.

## КЕСАР БОЛТАЕВ ЛУҚМАЛАРИ

- Порахўр уйқусираса, хотинидан пул сўрайди.
- Тандирга бош тикма, қуйган нонни санама.
- Чайқовчига йўл берма, безорига қўл берма.
- Итинг қопагон бўлса, меҳмоннинг қочагон бўлади.
- Қўлинг эгри бўлса, қўшинданг ўпқаланма.
- Сернон қилиб есанг, оз овқатга ҳам барака қиради.
- «Запорожец»га «Жигули»ни пайванд қилсанг, «Волга»га айланади.
- Кўз қисган писмиқдан кўрк, қизингга совчи қўяди.

Бу — кизик

## ҚОНУН ЖОНИВОРЛАР ТОМОНИДА

Судья даъво хатини ўқиб чиққач, «каламушларга қарши жиноий иш» очди ва маҳкама ишининг барча қонунларига тўла-тўқис амал қилиб, айбдорларни маҳкамага қақриш кунини белгилади. Ижрочиларга каламушларнинг энг кўп йиғиладиган жойларига жўнатиб суд ҳукмини қаттиқ овоз билан ўқиб, каламушларга етказишни топширди. Бирок судьянинг буйруғи тўла-тўқис бажарилганига қарамасдан бетамиз каламушлар маҳкамага келишмади. Атоқли қонуншунос Ворфоломея ўз ҳимоясидагиларни оқлаб:

— Жаноб судья! Сизга маълумки, давogarларнинг даввосида вилоятдаги барча каламушлар айбланганлар. Шунга қарамай, сизларнинг ижрочиларингиз кўпгина туманларга бормай, балки айрим туманлар ва қишлоқлардаги каламушларгагина маълум қилишди. Модомики, бу ишда барча каламушлар айбдор бўлишган экан, айблов уларнинг барчасига эшиттирилсин, — деган талабни қўйгач, судья унинг даввосини ҳақли топиб шундай қилди. Бу сафар судьянинг қақриув қoғoзи ўқилмаган биронта дала, биронта уй ва биронта тешик ҳам қолмади. Афсуски, калондимoғ каламушлар бу сафар ҳам маҳкамани назар-писанд қилмай яна келишмади. Аммо мохир ҳимоячи бунга ҳам сабаб топди. У дедикки:

— Мухтарам судья жаноби олийлари. Сизга маълумки, менинг ҳимоядаги каламушлар ва уларга қарши жиноий иш қўзғатаётган давogar Отэн аҳолиси орасидаги зиддиятлар бугунги кунда ниҳоятда кескинлашиб, юқори паллага етган. Айтингчи, шундай пайтда, айбдорлар ўзларига зарар етказилмагани ҳолда, маҳкамага келиш имкониятига эгамиз? Йўқ албатта! Негаки, улар кўчага чиқишлари билан аҳоли, уларнинг итлари ва мушуклари каламушларга ҳужум қилиб зарар етказишлари аниқ. Буни билатуриб, қайси ақлли каламуш бу ерга келади? Сиз шундай қилингки, аҳоли «уларнинг бу ерга етиб келишларига сира тўқсинлик қилмасин. Агар ит ва мушукларимиз уларга зарар етказгудек бўлса, товон тўлашга тайёрмиз», деб, қалолат берсин ва сиз ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ҳимоя вағари ёзиб беринг. Улар албатта келишади, — дегач, каламуш балосига маҳкама балосини қўшиб, хонавайрон бўлишдан қўрққан аҳоли ўз даввосидан воз кечди.

Футбол

## БИРИНЧИ ЎЙИНДА ДУРАНГ

Кеча шахримизда кун одатдагидан кўра ҳам анча совуқ бўлди. Бирок, эллик мингга яқин ҳақиқий футбол ишқибозлари 2006 йилги жаҳон чемпионатига сўнги 2-саралаш босқичининг «А» гуруҳидаги дастлабки ўйинида мамлакатимиз терма жамоасини бевосита қўллаб-қувватлаш учун «Пахтакор» марказий стадионида келишди.

Шуни айтиш жоизки, футболчиларимизнинг ушбу ўйиндаги рақиб Осийнинг энг кучли жамоаларидан бири бўлмиш Саудия Арабистони футболчилари эди. Зеро, уч бор Осий чемпиони бўлиш, жаҳон чемпионатининг финал босқичларида уч марта қатнашиб, бир гал хатто чорак финалга йўлланма олишдек муваффақият ҳамма жамоага ҳам nasib этавермайди. Ҳар икки жамоанинг узаро ўйинларига келсак, шу кунга қадар

Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала жамоанинг яшил майдонда галаба қозониши учун деярли тенг шароитлар мавжуд эди. Саудия Арабистонида мамлакат чемпионати қизғин паллага кирган бўлса-да, рақибларимиз совуқда ўйнашга кўниқмаган.

Мамлакатимиз терма жамоаси ушбу жиддий баҳсга қуйидаги таркибда тушди: Поляков, Ашурматов, Фёдоров (сардор), Алиқулов, Пашинин, Николаев, Ақопянц, Маминав, Желаров, Шишелов, Шацких. Турли сабабларга кўра кучли ўйинчилардан Ширшов, Гейрих ва Қосимовларнинг майдонга тушмаганини ҳам қайд этиб ўтиш ўринлидир.

Кутилмаганда ўйинни рақибларимиз ҳужумкор руҳда бошлашди. Хатто 17-дақиқада ҳимоячимуз Б.Ашурматов маҳорат кўрсатиб, дарвозани муқаррар голдан асраб қолди. Бизнинг футболчиларимиз савий-ҳаракатларида эса ўйин амалиётининг етишмаслиги сезилиб турарди. Шундай бўлса-да, биринчи бўлим охирларида ташаббус чарм тўп



усталаримиз томонига ўтди. Бирок кўпроқ чап қанотдан Ақопянц, Шацких томонидан уюштирилган ҳужумлар самара бермади.

Иккинчи бўлим чиройли ҳужумларга бой тарзда ўтди. Фақат футболчиларимизга ҳал қилувчи дақиқаларда аниқлик етишмади. Ўйиннинг 81-дақиқасида Саудия Арабистони термасининг энг тақрибли ўйинчиси, захирадан эндигина майдонга тушган Сами ал Жабир дарвозабон билан яқкама яқка чиққан ҳолда аниқ зарба билан ҳисобни очди. Шундан кейин терма жамоамиз ҳужумлари янада шиддатли тус олди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтда эса Анвар Солиевнинг жуда нуқулвай вазият — ўткир бурчакдан туриб берган кучли зарбаси ниҳоятда текин ўйиннинг 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан яқунланишига имкон яратди.

Саралаш босқичининг кейинги беллашувини футболчиларимиз 25 марта сафарда Қувейт терма жамоасига қарши ўтказишади.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.



учта беллашув ўтказилиб, иккитасида юртдошларимиз, биттасида эса Саудия Арабистони футболчилари галаба қозонган эди.

футболчиларимиз савий-ҳаракатларида эса ўйин амалиётининг етишмаслиги сезилиб турарди. Шундай бўлса-да, биринчи бўлим охирларида ташаббус чарм тўп

Мунажжим башорати

## ҚИЗГИН ҲАРАКАТЛАР КУНИ

11 февраль, жума

Бу жуда галати кунлардан бири бўлиб, ҳар қандай кутилмаган ҳодиса рўй бериши мумкин. Уни ҳаёт дафтарининг ҳеч нарса ёзилмаган оппоқ варағи деб аташ ва ҳаётни бутунлай янги ҳиссага бошлаш мумкин. Бу яна ўзингизга кераксиз ҳамма нарсалардан халос бўлинадиган кун ҳамдир. Соч ва тирикчиликни оздириб, тиш шифокорига мурожаат қилишингиз ҳамда оғрик тишдан қутулишингиз мумкин бўлади. Шу кунги жарроҳлик муолажалари ҳам муваффақиятли ўтади.

Фаол ҳаракатлар, қатъиятлик, уздабуронлик кун. Саёҳатларни бошлаш, сафарларга чиқиш ва хизмат бўйича мулоқотлар омадли бўлади. Ёлғиз қолиш ва ноҳуш ҳаёлларга берилишдан ўзингизни асранг. Спорт билан шуғулланиш, чиниқки, саломатлигингизга бир назар солиб чиқишингиз фойдали бўлади. Кўпроқ вақтингизни очик ҳавода ёки, ҳеч бўлмаганда, яхшилаб шамоллатилган хонада ўтказганингиз маъқул.

Деразаларнинг қаттиқ шамолдан қасир-қусур очилиб кетиб, ойналарнинг синиши, дарз кетган кўзгу, хонага қуш учиб кириб қолиши ёки пойабзал пошнанинг тушиб қолиши ноҳуш аломатлардир. Майда пул ёки танга топиб олсангиз, қувонаверинг — бу омадингиз кулиб боқидан далолат.

Кун чиқишига яқин кўрилган тушлар ўнгидан келади. Шу кун ҳам буйрақлар за-

ифлашган бўлади, аллергия хасталиги ҳуруж қилиши мумкин. Малина, маймунжон мураббоси билан қайноқ чой ичиш, шифобахш гиёҳлар қайнатмаларини истеъмол қилиш танангиздаги турли оғрикларни олади.

Қизил, қора, тўқ кўк рангли кийимларни кийиш тавсия этилади. Сарик, зарғалдоқ ранглардан нарироқ бўлганингиз маъқул.

Шу кун. — камтарлик, табиийликка интилинг;

— ташқи кўринишингиз ва соғлигингиз хусусида ғамхўрлик қилинг, сартарошлик, гўзаллик саломи, спорт залига ташриф буюринг;

— ақинларингиз, суюқли кишилариингизга кўпроқ вақт ажратинг;

— саховат ва муруват кўрсатинг; — муҳим ишларга қўл урманг, енгилтақлик қилиш, асабларни зўриқтириш, танангизнинг ортиқча совиб кетишига йўл қўйманг.

Балиқча тирик жонотлар ҳақидаги китобларда ёки бирор илмий каталогда қайд этилмаган. Ҳатто ҳозирча унга ном ҳам ўйлаб топилгани йўқ. Спелеолог — горшупослар номаълум гор балиғини Туркманистон Республикасининг жанубидаги ер ости дарёсидан топдилар. Гор балиғининг бир нечтаси Москвага келтирилиб, Ҳайвонлар экологияси ва эволюцион морфологияси институтига текшириш учун юборилди. Унча катта бўлмаган қизғиш мрамар балиқча бурни билан аквариум ойнасини тутарди. Ер ости оламида яшовчи бу жонивор ўзини сувда тетик тутар эди.

Ранг-баранг олам

## НОМСИЗ БАЛИҚ

— Бизнинг асримизда биология бўйича бунақа кашфиёт камдан-кам содир бўлади, — деб изоҳ беради институт ходими С.Смирнов. — Йирик сут эмизувчилар деярли бутунлай кашф этилган. Аммо балиқлар ҳамон кутилмаган мўъжизавий тўхфалар келтириб турадилар. Бу нарса ер ости дарёлариини ўрганишга нисбатан яқинда бошлангани билан изоҳланади. Бу янги тур балиқларнинг қаердан бошланиб, қаерда тугашиши ҳозирча тасаввур қилиш қийин. Мексика, Куба, Ироқда гор балиқларининг кашф этилиши эса, уларнинг яшашга қобил эканлигини кўрсатди.

Ўтган йили бундай балиқ турлари бизнинг Ваганимизда Қўхитанг тоғи горларидан бирида ерости дарёсида, 20 метр чуқурликда топилди. Янги турни кўпайтиришга ҳаракат қилинаётир. Бу иш билан Океанология институти ходимларидан бири О.То-

порков шуғулланапти.

— Гор балиғини кўпайтиришининг мураккаблиги биринчидан, шундаки, — дейди у. — Уларнинг нима билан озикланиши бизга қоронғи. Иккинчидан, улар яшайдиган таркибининг ўзига хослигидир... Аквалангчилар Москва олимларида бир неча литр ер ости сувини келтирдилар. Қўхитанг тоғи гори биологик ва спелеологик қўриқхона сифатида давлат назоратига олинса кўнгиладигидек бўлар эди. Чунки гор балиқлари тирик жонотлар оламининг камёб турига кирди. Уларнинг гор дарёларида қанча эканлиги ҳозирча маълум эмас. У ер балиқларининг яна янги турлари мавжудлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қўхитанг тоғи горларини шу йил куздан бошлаб текшириш мўлжалланган. Океанология институти экспедицияси бунга узил-кесил жавоб беради.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қўзғаткич А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.